Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

*5231300 – Пенсия иши*
бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари

Тошкент

ЎзР ОЎМТВ
Буйрук № 744
«25» 08 2018 йил

## СЎЗ БОШИ

**1. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:**

– Тошкент молия институти;

– Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси.

**2. ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2018 йил «28» август даги 4 - сонли йиғилишида маъқулланган.

**3. ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур малака талабни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

## МУНДАРИЖА


| Т/р | | Бет |
|---|---|---|
| 1. | ***5231300 – Пенсия иши* бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи** ........................................ | **4** |
| 1.1. | Қўлланиш соҳаси ........................................................................ | 4 |
| 1.2. | *5231300 – Пенсия иши* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи ............................................ | 4 |
| 2. | ***5231300 – Пенсия иши бакалавриат* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар** ............................................ | **6** |
| 2.1. | Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар ........................................................................ | 6 |
| 2.2. | *5231300 – Пенсия иши* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари ........................................................................ | 6 |
| 3. | ***5231300 – Пенсия иши* бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар** ........................................................................ | **8** |
| 3.1. | Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар ........................................................................ | 8 |
| 3.2. | *5231300 – Пенсия иши* бакалавриат таълим йўналиши малакавий амалиётига қўйиладиган умумий талаблар............... | 10 |
| 3.3. | *5231300 – Пенсия иши* бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми ........................................................ | 12 |

## 1. *5231300 – Пенсия иши*
## бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи

***5231300 – Пенсия иши*** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи олий таълимнинг ўқув режа ва фан дастури асосида амалга оширилади, унинг назарий ва амалий машғулотларини тўлиқ ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган шахсга "бакалавр" малакаси (даражаси) ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий ҳужжат(лар) берилади.

Ўқув режа ва фан дастурининг меъёрий муддати ва мос малака (даража)си 1-жадвалда келтирилган.

**1-жадвал**

**Ўқув режа ва фан дастурининг муддати ва битирувчиларнинг малака (даража)си**

| Ўқув режа ва фан дастурининг номи | Малака (даража) | Ўқув режа ва фан дастурини ўзлаштиришнинг меъёрий муддати |
|---|---|---|
| Бакалавриатнинг ўқув режа ва фан дастури | Бакалавр | 4 йил |

**1.1. Қўлланиш соҳаси**

**1.1.1.** Олий таълимнинг ушбу малака талаби ***5231300 – Пенсия иши*** таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлаш ўқув режа ва фан дастурларининг ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

**1.1.2.** Олий таълим муассасаси мазкур бакалавриат таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда малака талаб асосида ўқув режа ва фан дастурларини амалга ошириш ҳуқуқига эга ҳисобланади.

**1.1.3.** Малака талабнинг асосий фойдаланувчилари:

– мазкур таълим йўналиши бўйича фан, техника ва ижтимоий-иқтисодий соҳа ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул бўлган олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари;

– таълим йўналишининг ўқув режа ва фан дастурларини ўзлаштириш бўйича ўқув-тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талабалари;

– ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув-услубий бўлим бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари);

– битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи якуний давлат аттестация комиссиялари;

– олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

– олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;

– таълим йўналишини ихтиёрий танлаш ҳуқуқига эга бўлган абитуриентлар ва бошқа манфаатдорлар.

**1.2. *5231300 – Пенсия иши* бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи**

**1.2.1. *5231300 – Пенсия иши* бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:**

***5231300 – Пенсия иши*** бакалавриат таълим йўналиши иқтисод соҳасидаги йўналиш бўлиб, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг иқтисодий-ҳуқуқий ва ташкилий асослари, вазифа ва функциялари, даромадлари ва харажатлари, давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш, жамғариб бориладиган пенсия таъминоти ҳамда ижтимоий нафақалар билан боғлиқ масалалар мажмуасини қамраб олади.

*Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар киритилиши мумкин.*

**1.2.2. *5231300 – Пенсия иши* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари бўлиб:**

– Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари;

– Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва ҳудудий бошқармалари;

– Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва ҳудудий бошқармалари;

– Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки ва ҳудудий бошқармалари;

– ижтимоий соҳа муассасалари, ташкилотлари ва уларнинг юқори бошқарув органлари;

– давлат мақсадли жамғармалари;

– давлат ва маҳаллий бошқарув органлари;

– турли мулк шаклидаги корхона ва ташкилотлар;

– молия-банк соҳасида хизмат кўрсатувчи муассасалар;

– молия-кредит бозорида фаолият юритувчи муассасалар ҳисобланади.

***5231300 – Пенсия иши* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолияти қуйидагиларни қамраб олади:**

– давлат пенсия таъминоти ва жамғариб бориладиган пенсия таъминотини ташкил этиш;

– бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ва бошқа мақсадли давлат жамғармалари бюджетлари лойиҳасини тузиш, уларнинг молиявий ресурслари ҳажми ва шаклланиш манбаларини аниқлаш, молиявий-иқтисодий кўрсаткичларини таҳлил қилиш;

– ижтимоий соҳа муассасалари ва ташкилотларининг молиявий-хўжалик фаолиятини ташкил этиш, таҳлил қилиш ва самарали бошқариш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;

– давлат пенсиялари ва ижтимоий нафақаларни тайинлаш, ҳисоблаш ва тўлашни ташкил этиш;

– бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ва бошқа мақсадли давлат жамғармалари бюджети ижросини ташкил этиш, улар бюджетлари прогнозларини ишлаб чиқиш ва харажатларини режалаштириш;

– пенсия таъминоти тизимидаги ислоҳотларнинг асосий йўналишлари ва уларни амалга ошириш механизмларини ишлаб чиқиш;

– пенсия тизими фаолияти бўйича илғор халқаро тажрибаларни таҳлил қилиш ва хусусий пенсия фондларини ташкил этишнинг ҳуқуқий асосларини шакллантириш ва такомиллаштириш;

– бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ва бошқа мақсадли давлат жамғармалари фаолияти самарадорлиги юзасидан хулосалар чиқариш ва унга баҳо бериш.

**1.2.3. *5231300 – Пенсия иши* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари:**

*– молиявий-иқтисодий;*

*– ҳисоб, таҳлил ва назорат;*

*– ташкилий-бошқарув;*

*– илмий-тадқиқот;*

*– педагогик (умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида).*

Таълим йўналиши бўйича тайёрланган бакалаврлар касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

**1.2.4. Таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий мослашув имкониятлари**

Таълим йўналиши бўйича бакалавр педагогик қайта тайёрлашдан ўтгандан сўнг ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида махсус фанларни ўқитиши мумкин.

**1.2.5. Таълимни давом эттириш имкониятлари**

*5231300 – Пенсия иши* бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалавр касбий тайёргарликдан кейин *иқтисодиёт соҳаларини қамраб олувчи* тегишли магистратура мутахассисликлари бўйича белгиланган муддатда ўқишни давом эттириши мумкин. Шунингдек, ўрнатилган тартибда мустақил тадқиқотчилик асосида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориши мумкин.

## 2. *5231300 – Пенсия иши* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар

**2.1. Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар:**

– дунёқараш билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиши;

– гуманитар ва табиий-илмий фанлар асосларини, давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиши;

– табиат ва жамиятда кечаётган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, табиат ва жамият ривожланиши ҳақидаги билимларни эгаллаши ҳамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;

– ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, ўз касб фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиши;

– тегишли бакалавриат таълим йўналиши бўйича рақобатбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;

– янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;

– соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тассаввур ҳамда эътикодга, ўзини жисмоний чиниқтириш ўқув ва кўникмаларига эга бўлиши лозим.

**Бакалавр:**

– таълим йўналиши бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустақил ишлашга;

– тегишли бакалавриат таълим йўналиши доирасида танланган мутахассислик бўйича магистратурада олий таълимни давом эттиришга;

– кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида қўшимча касб таълими олиш учун тайёрланадилар.

**2.2. *5231300 – Пенсия иши* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари**

**Молиявий-иқтисодий фаолиятда:**

– давлат пенсия таъминоти ва жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимини бошқариш, бюджет-солиқ соҳасини ислоҳ қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунларидан, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларидан фойдалана олиш;

– бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ва бошқа мақсадли давлат жамғармалари бюджетларининг асосий иқтисодий кўрсаткичларини, пенсия ва ижтимоий нафақаларни ҳисоб-китоб қилиш;

– бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ва бошқа мақсадли давлат жамғармалари бюджетлари прогнозларини ишлаб чиқиш мақсадида молиявий кўрсаткичларни ҳисоблаш усулларини (математик моделлаштириш, эконометрик прогнозлаш, эксперт баҳолари, турли хил сценарийлар, стохастик усуллар) қўллаш;

– бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ва бошқа мақсадли давлат жамғармалари бюджети ресурсларининг ҳажми ва шаклланиш манбаларини аниқлаш бўйича ҳисоб-китобларни юритиш *қобилиятларига эга бўлиши лозим.*

**Ҳисоб, таҳлил ва назорат фаолиятида:**

– давлат пенсия таъминоти ва жамғариб бориладиган пенсия тизимига оид маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш усулларини билиш;

– давлат пенсия таъминоти ва жамғариб бориладиган пенсия тизими бўйича иқтисодий кўрсаткичларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш;

– давлат пенсия таъминоти ва жамғариб бориладиган пенсия тизимига оид кўрсаткичлар динамикаси ва уларнинг ўзгариш тенденцияларини таҳлил қилиш;

– давлат пенсия таъминоти ва жамғариб бориладиган пенсия тизимига доир молиявий ва статистик ҳисоботларини тузиш ҳамда уларни таҳлил қилиш;

– бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ва бошқа мақсадли давлат жамғармалари бюджетларини ижро этишда бюджет ҳисобини юритиш ва ташкил этиш, халқаро стандартлар асосида бюджет ҳисоботини шакллантириш ва тақдим этиш;

– бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ва бошқа мақсадли давлат жамғармалари бюджетлари прогнозларини тузиш ва харажатларини режалаштириш учун бухгалтерия, молиявий ва бошқа ахборотларни таҳлил қилиш ва шарҳлаш;

– давлат пенсия таъминоти ва жамғариб бориладиган пенсия тизимидаги илғор халқаро тажрибаларни миллий иктисодиётга татбиқ қилиш;

– давлат бюджетидан тўланадиган ижтимоий нафақалар таркиби ва динамикасини таҳлил қилиш;

– бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ва бошқа мақсадли давлат жамғармалари бюджетлари ижросини таъминлашда молиявий назорат юритиш;

– бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ва давлат бюджетидан ажратиладиган ижтимоий нафақалар ҳамда жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлардаги маблағлар сарфини мониторинг қилиш;

– давлат пенсия таъминоти ва жамгариб бориладиган пенсия тизимида дастурий мажмуалар ва интернет технологияларидан самарали фойдаланиш ***қобилиятларига эга бўлиши лозим.***

**Ташкилий-бошқарув фаолиятида:**

– корпоратив бошқарувнинг тартиб ва тамойилларини билиш;

– бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг фаолиятини ташкил қилиш ва самарали бошқариш;

– пенсия ишини ташкил этиш учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратиш ва молиявий ресурсларни режалаштириш;

– пенсия амалиётида юз берган муаммоларни ечиш йўлларини излаш, илғор тажриба ва синалган усулларни амалиётга татбиқ этиш;

– пенсионерлар ва ижтимоий нафақа олувчиларнинг ҳуқуқи бузилиши масалалари бўйича мурожаатларини кўриб чиқиш ва улар юзасидан қонуний тартибда қарорлар қабул қилиш;

– бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси даромадлари ва харажатлари ижросини ташкил этиш, улар тақчиллигини қоплаш манбаларини жалб қилиш бўйича иш юритиш;

– бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бюджетини ўрнатилган тартибда касса ижросини амалга ошириш;

– жамғариб бориладиган пенсия тизимида самарали фаолият юритиш *қобилиятларига эга бўлиши лозим.*

**Илмий-тадқиқот фаолиятида:**

– илмий-тадқиқот ишларни амалга оширишда пенсия тизимининг ривожланиш кўрсаткичларига баҳо бериш, соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналишлари моҳиятини тушуниш ҳамда аниқланган муаммолар ечимини ишлаб чиқиш;

– илмий-тадқиқот ишларни амалга оширишда соҳа хусусиятларидан келиб чиқиб, инновацион услубларни қўллай олиш;

– интернет тармоғида энг янги илмий ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;

– тадқиқот мавзуси доирасида илмий-амалий маълумотларни йиғиш, таҳлил қилиш ва уларни тизимлаштириш;

– илмий-тадқиқот натижалари ва янгиликларни амалиётга татбиқ этиш юзасидан асосланган таклифлар лойиҳасини ишлаб чиқиш қобилиятларига эга бўлиши керак.

**Педагогик фаолиятида (умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида):**

– умумий ўрта, ўрта махсус касб-ҳунар таълим тизимининг таълим муассасаларида тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича иқтисодий фанлардан назарий-амалий машғулотларни ўтказиш;

– ўқув жараёнини ташкил этишга кўмаклашиш, тадқиқотларда иштирок қилиш, маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил этиш;

– ўқитилаётган фанлар бўйича дарс машғулотларини ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик таъминотни шакллантириш, тузиш ва уларни татбиқ этиш;

– мустақил таълим ва ижодий ёндашув асосида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасида ўз салоҳиятини узлуксиз равишда ошириб бориш ***қобилиятларига эга бўлиши лозим.***

## 3. *5231300 – Пенсия иши* бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

***5231300 – Пенсия иши*** бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурлари умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими билан узлуксизлик ва узвийлик таъминланишини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилиши ва талабаларнинг қуйидаги мажбурий фанлар блокларини ўзлаштиришини назарда тутиши зарур:

– гуманитар ва табиий-илмий;
– умумкасбий;
– ихтисослик;
– қўшимча.

Касб фаолияти кўникмаларини эгаллаш учун малакавий амалиётлар ўтилиши назарда тутилиши шарт.

Ўқув режалар мажбурий ўқув фанлари билан бир қаторда талабалар танлаган фанларни ҳам ўз ичига олиши шарт.

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурларини ўзлаштиришда талабаларнинг ўқув фанларига оид бир қанча масалалар ва муаммолар бўйича мустақил билим олиши назарда тутилиши лозим.

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасига мувофиқ равишда якуний давлат аттестацияси билан тугалланиши шарт.

### 3.1. Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

**Гуманитар ва табиий-илмий фанлар блоки:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда таянч олий таълим муассасаси томонидан тасдиқланадиган олий таълимнинг бакалавриат таълим йўналишлари ўқув режаларидаги гуманитар ва табиий-илмий фанлар блоки таркибига киритилган биринчи еттита фанга қўйиладиган умумий талаблар асосида белгиланади.

Иқтисодиётда умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими билан узвийлик ҳамда узлуксизликни инобатга олган ҳолда иқтисодчилар учун математик усулларни, ахборот технологиялари орқали маълумотлар тўплаш, уларни қайта ишлаш ва узатиш, эконометрик таҳлилларни олиб бориш усулларини билишнинг иқтисодиёт соҳасидаги ўрни ва аҳамияти ҳақида олий даражадаги тасаввурларни ҳамда иқтисод таълим соҳаси учун зарур бўлган фундаментал фанларни чуқур ўрганишнинг илмий ва назарий асосларини таъминлаши ҳақидаги илмий тасаввурларни шакллантириши лозим.

**Мазкур блокнинг бошқа фанлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар:**

– ахборот комплекслари, ахборот тизимлари, иқтисодиётда қўлланиладиган дастурий таъминотлар орқали соҳанинг самарадорлигини оширишни тизимли ўрганиши;

– математиканинг чизиқли алгебра, математик анализ, дифференциал ва интеграл ҳисоб ҳамда дифференциал ва чекли айирмали тенгламалар ёрдамида ижтимоий-иқтисодий соҳада қўлланилаётган моделларни тизимли ўрганиши;

– иқтисодий жараён ва ҳодисалар ҳақида маълумотларни олиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва баҳолашни билиши;

– иқтисодий объектлар ва жараёнларнинг миқдорий ўзаро боғлиқлигини математик ва статистик методлар ва моделлар ёрдамида ўрганиши лозим.

**Умумкасбий фанлар блоки:**

– таълим йўналиши ихтисослик фанларни ўрганиш ва чуқур эгаллаш учун зарур бўлган фундаментал умумкасбий билимларни, амалий билим ва кўникмаларни шакллантириши;

– шахснинг характери, темпераменти, қобилияти ва иқтидорига кўра, касбга доир билим, кўникма, малакани эгаллаши ва уни ривожлантириши;

– иқтисодий қонунлар ва категориялар, иқтисодий жараён ва ҳодисалар моҳиятини тушуниш, иқтисодиётни бозор тамойиллари асосида ислоҳ қилиш механизмларини билиши;

– микроиқтисодиётнинг асосий категориялари, макроиқтисодий кўрсаткичлар, уларни ҳисоблаш орқали пул-кредит, бюджет-солиқ ва ташқи иқтисодий сиёсатни амалга ошириш, корпоратив бошқарув тизимида қарорларни қабул қилиш юзасидан кўникмаларини шакллантириши;

– статистика амалиётида қўлланиладиган иқтисодий кўрсаткичлардан фойдаланиш;

– менежмент ва маркетинг асосларини билиши, функция, усул ва тамойилларини чуқур ўрганиши, қарорларни қабул қилиш ва улар ижросининг назоратини олиб бориши;

– бухгалтерия ҳисоби усуллари юзасидан тасаввурга эга бўлиши, ҳисоб сиёсатини юритиш ва молиявий ҳисоботни тузиш кўникмаларига эга бўлиши;

– иқтисодиёт субъектларининг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш ҳамда молиявий кўрсаткичларини аниқлаши;

– аудиторлик текширувини ўтказиш усулларини билиши ҳамда аудиторлик хулосаси ва ҳисоботини тузиши;

– солиқлар ва солиққа тортишнинг асосларини, тамойилларини, усулларини, объектларини, турларини, уларнинг бюджет даромадларини шакллантиришдаги ва иқтисодиётни тартибга солишдаги ўрнини, солиқларни ундириш тартибини билиши;

– суғуртанинг мазмун-моҳияти, шакллари, суғурта фаолияти классификатори ва суғуртанинг норматив асослари ҳамда суғурта бозори субъектлари фаолиятининг назарий ва амалий жиҳатларини билиши;

– бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритиш, ҳисоб хужжатлари ва регистрлари ҳамда молиявий ҳисобот тузишни билиши лозим;

**Ихтисослик фанлар блоки:**

– соҳа бўйича махсус билимларни, касбий фаолият кўникмалари ва малакаларини шакллантириши;

– фуқароларнинг давлат пенсия таъминотига тааллуқли ҳуқуқларини, давлат пенсияларининг турларини, пенсияларни ва иш ҳақини ҳисоблаб чиқиш тартибини, имтиёзли шартлардаги пенсиялар ва пенсияларга устама ҳақларни, иш стажини ҳисоблаб чиқариш, пенсияларни тайинлаш, қайта ҳисоблаш ва тўлаш тартибини, пенсия тайинлаш учун зарур бўлган ҳужжатларни тақдим этиш ҳамда пенсиялар тайинлаш учун иш стажини ҳисоблаб чиқиш ва тасдиқлаш тартибини, пенсияларни ҳисоблаш, тайинлаш, пенсияларни бир туридан бошқа турига ўтказиш, пенсияларни қайта ҳисоб-китоб қилиш ва тўлаш тартибини, ички ишлар органлари ходимларига пенсия ва нафақа тайинлаш ҳамда тўлаш тартибини, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бюджетини тузиш, тасдиқлаш ва ижро этишни, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси даромадлари ва харажатларини, жамғариб бориладиган пенсия таъминотини ўрганиши;

– давлат мақсадли ва бюджетдан ташқари фондларнинг ижтимоий-иқтисодий мазмуни ва аҳамиятини, Пенсия жамғармаси, Йўл жамғармаси, Давлат мулкини хусусийлаштиришдан тушган маблағлар жамғармаси, Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси, Таълим ва тиббиёт тизимига йўналтирилган давлат мақсадли жамғармаси, Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ва бошқа бюджетдан ташқари давлат жамғармалари, хорижий мамлакатларда давлат мақсадли ва

бюджетдан ташқари жамғармалари молиявий фаолиятини ташкил этиш жараёнини ва таҳлил этиш усулларини билиши;

– давлат пенсия таъминотида ахборот тизимининг хусусиятлари, турлари ва ҳуқуқий-меъёрий асослари, давлат пенсия таъминоти тизимида интерактив хизматлар, ахборот тизимидан самарали фойдаланиш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини фаол жорий этиш ва ривожлантириш жараёнларини билиши, пенсия ишининг дастурий таъминотлари ва улар билан ишлаш, ҳисоботларни тайёрлаш ва таҳлил қилиш кўникмасига эга бўлиши;

– пенсия тизимларининг вужудга келиши ва ривожланиши тарихи, жаҳонда пенсия тизимлари моделлари, тараққий этган мамлакатларнинг пенсия тизимлари, ривожланаётган мамлакатларнинг пенсия тизимлари тажрибалари, нодавлат пенсия таъминоти тизими, чет эл мамлакатларида ижтимоий фондлар фаолиятини билиши;

– молиянинг мазмун-моҳияти, молиявий муносабатларни самарали ташкил этишнинг назарий-амалий жиҳатлари, молиявий назорат ва молиявий рискларни бошқариш усулларини билиши;

– пул ва банк назарияси, амалиёти ва тадрижий ривожланиш босқичлари ҳамда истиқболини, марказий банк ва тижорат банкларининг функционал мақсади ва ташкилий тузилишини билиши, актив ва пассив банк операцияларини қўллай олиши;

– инвестиция фаолиятни ташкил этиш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш, инвестиция муҳити ва инвестиция сиёсатининг хусусиятлари, инвестиция лойиҳалари самарадорлигини баҳолаш ва молиялаштириш, инновация ва инновация фаолиятини бошқариш, илмий-техника ютуқлари ва илғор тажрибалардан фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиши;

– таълим йўналиши негизидаги муайян магистратура мутахассислиги бўйича келгусида таълимни давом эттиришга онгли муносабатда бўлишига кўмаклашиши лозим.

**Қўшимча фанлар блоки:**

– таълим йўналиши талабаларнинг умумкасбий ва ихтисослик фанлари бўйича қўшимча равишда чуқур билим олишга бўлган эҳтиёжини қондириши;

– таълим сифатига қўйилаётган талаблар ва иқтисодий жараёнлар жадал ўзгараётган шароитда бакалавриат таълим йўналишлари бўйича ўқув режалар ва фан дастурларининг мослашувчан бўлишини таъминлаши лозим.

*Танлов фанлари:*

*Таълим йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда танлов фанларининг таркиби ва уларнинг мазмунига қўйилган талаблар олий таълим муассасаси Кенгаши томонидан белгиланади.*

**3.2. *5231300 – Пенсия иши* бакалавриат таълим йўналиши малакавий амалиётига қўйиладиган умумий талаблар.**

Малакавий амалиёт ўқув жараёнининг назарий билимларни мустаҳкамлаш, амалий кўникма ва уқув ҳосил қилиш, ўқув режалари ва фанлар дастурларнинг маълум (якуний) қисмидаги мавзу бўйича материаллар тўплаш учун ўтказиладиган бир қисми ҳисобланади.

*5231300 – Пенсия иши* бакалавриат таълим йўналишининг малакавий амалиёти ихтисослик фанларининг назарий қисмини мустаҳкамлаш учун зарур бўлган, ўқиш жараёнининг бевосита ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) шароитларида, яъни бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ва унинг ҳудудий бўлинмаларида ҳамда акциядорлик тижорат Халқ банки ва худудий бошқармаларида ўтказилади.

*5231300 – Пенсия иши* бакалавриат таълим йўналишида малакавий амалиёт қуйидаги босқичларда малакавий амалиётни ўташ дастури асосида амалга оширилади:

– ўқув-танишув амалиёти;
– ишлаб чиқариш амалиёти;
– битирув малакавий иши олди амалиёти.

*Ўқув-танишув амалиёти:*

– талабаларнинг келажакдаги касбий фаолият ҳақида бошлангич маълумотларни олиш ҳамда ихтисослик фанларидан олган назарий билимларини мустаҳкамлашни;

– бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг ташкилий тузилишини, иш фаолиятини ўрганиш ва улар асосида назарий билимларини амалиётга татбиқ этишни;

– бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг умумий фаолиятида ва жамоат ишларида мунтазам иштирок этиб боришни;

– ижтимоий таъминот тизими ва унда бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ўрнини;

– бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ва унинг ҳудудий бўлинмаларида иш юритиш ва ҳужжатлар билан ишлаш ҳамда ҳисоботлар тузишни;

– бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ва унинг ҳудудий бўлинмаларида ахборот-коммуникацион технологиялардан фойдаланишни назарда тутади.

*Ишлаб чиқариш амалиёти:*

– ихтисослик фанлари мавзулари бўйича материаллар тўплаш, назарий билимларини амалиёт билан боғлаш, мустаҳкамлаш, амалий кўникма ва ўқув ҳосил қилиш, йўналиши бўйича зарур лаёқатга ва амалий иш тажрибасига эга бўлишни;

– фуқароларнинг пенсия таъминотини амалга оширишда бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ва унинг ҳудудий (вилоят, шаҳар, туман) бўлинмаларининг ўрни, ташкилий тузилиши ва вазифаларини;

– бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси даромадларини шакллантириш манбалари ҳамда пенсиялар, ижтимоий нафақалар, компенсация тўловлари ва бошқа тўловларни молиялаштириш амалиёти таҳлилини;

– давлат пенсияларининг турлари, уларни тайинлаш, ҳисоблаш ва тўлаш амалиёти таҳлилини;

– бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси фаолияти назоратини назарда тутади.

*Битирув малакавий иши олди амалиёти:*

– ихтисослик фанларидан олган назарий билимларини чуқурлаштириш ва амалий фаолият доирасида мустаҳкамлаш, битирув малакавий ишининг мавзуси бўйича материаллар тўплаш ва қайта ишлаш асосида амалий кўникма ҳосил қилишни;

– давлат пенсия таъминотининг ҳуқуқий-меъёрий асослари ва унинг таҳлилини;

– ёшга доир, ногиронлик ва боқувчисини йўқотганлик пенсияларини тайинлаш тартиби ва амалиётини;

– имтиёзли шартларда пенсияга чиқиш тартиби ва амалиётини;

– бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси томонидан ижтимоий нафақаларни тайинлаш ва тўлаш тартиби амалиётини;

– бола туғилгани учун, қўшимча дам олиш куни учун ва дафн этиш маросими учун нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби амалиётини;

– бюджетдан ташқари Пенсия ва нафақаларни расмийлаштириш, ҳужжатларни юритиш ва тўлаш амалиётини;

– давлат пенсия таъминотида ахборот-коммуникация тизимини назарда тутади.

*Битирув малакавий ишига қўйиладиган талаблар:*

Талабаларнинг битирув малакавий иши мавзуси ОТМ буйруғи билан расмийлаштирилади.

Битирув малакавий иши мавзулари соҳанинг ривожланиш стратегияси, шунингдек, фан-технологиялар ва иқтисодиётдаги ўзгаришлар ҳамда кадрлар буюртмачиларининг талабларини инобатга олган ҳолда ОТМнинг бакалаврлар тайёрловчи кафедраси томонидан белгиланади.

Битирув малакавий иш мавзулари илмий-назарий ёки назарий-амалий йўналишида бўлиши мумкин.

Битирув малакавий иш топшириғи учинчи курснинг иккинчи ярим йиллиги давомида талабалар эътиборига етказилади ҳамда мавзуларнинг танлови амалга оширилади. Битирув малакавий иши малака талабида белгиланган вақт давомида бажарилади.

Битирув малакавий ишининг мазмуни, хажми ва тузилмасига бўлган талаблар битирувчиларнинг якуний давлат аттестацияси ўтказиш ҳақидаги Низом асосида кафедра томонидан белгиланади.

Малакавий амалиётни ўташ муддатлари ўқув режаси графигида мувофиқлаштирилган. Унинг якунида талаба дастур доирасида бажарган ишлари бўйича ҳисобот тайёрлайди ҳамда кафедра таркибидан шакллантирилган комиссия олдида уни ҳимоя қилади.

Талабанинг илмий-тадқиқот иши унда касбий компетенцияни шакллантириш ва мустаҳкамлашга кўмаклашади. Битирувчи кафедранинг илмий фаолиятида фаол иштирок этиши, курс ишлари, малакавий амалиёт мақсадли бажарилиши ва узвий равишда битирув малакавий ишининг асосий манбаси бўлишини назарда тутади.

Талабалар илмий-тадқиқот ишини ташкил этиш юзасидан қуйидаги шарт-шароит таъминланиши керак: илмий ишларнинг мавзулари рўйхати билан талабаларни ўз вақтида хабардор қилиш; кадр тайёрловчи факультет (кафедра)нинг илмий мавзуси бўйича илмий-тадқиқот ишларини бажариши учун талабаларни белгиланган меъёр даражасида таъминлаш; ОТМнинг ахборот ресурс марказида мустақил илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш учун зарур шарт-шароитни яратиш; талабалар илмий-амалий конференцияларини ташкил қилиш.

### 3.3. *5231300 – Пенсия иши* бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли учун аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 30 соатгача қилиб белгиланиши мумкин.

Ўқишнинг норматив муддати тўрт йил бўлгани ҳолда ўқув жараёни 204 ҳафта давом этиши зарур.

Ўқув даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланади:

- назарий таълим – 58,8 %;
- малакавий амалиёт – 14,7 %;
- аттестациялар – 8,8 %;
- битирув малакавий иши – 2,0 %;
- таътил – 15,7 %.

Назарий таълим ҳажми фанлар блоклари бўйича қуйидагича тақсимланади:

- гуманитар ва табиий-илмий фанлар блоки – 25,64 %;
- умумкасбий фанлар – 40,28 %;
- ихтисослик фанлар – 28,83 %;
- қўшимча фанлар – 5,25 %;

Ўқув йилида таътил даврининг умумий ҳажми 6 – 9 ҳафта қилиб белгиланади.

## Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7 Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

**Таянч сўзлар:**

ўқув режа, фан дастури, олий таълим муассасаси, малака талаб, якуний давлат аттестацияси, аккредитация, назарий таълим, умумкасбий фанлар, малакавий амалиёт, битирув малакавий иш, бакалавриат таълим йўналиши, мустақил таълим, илмий-тадкиқот иш, педагогик фаолият, касб фаолияти, бакалавриат таълим йўналиши, пенсия иши, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, давлат мақсадли жамғармалари, даромадлар, харажатлар, давлат пенсиялари, пенсияларни ҳисоблаш, пенсияларни тайинлаш, пенсияларни тўлаш, жамғариб бориладиган пенсия таъминоти, ижтимоий нафақалар, ижтимоий соҳа муассасалари, молия, банк, инвестиция, суғурта, солиқлар ва солиққа тортиш, молия-кредит бозори, Халқ банки, иқтисодиёт соҳалари, дастурий мажмуалар, корпоратив бошқарув, пенсия амалиёти, пенсионер, пенсия таъминоти назорати, интернет технологиялари, ахборот тизимлари, пенсия тизимлари, ихтисослик фанлари.

Илова

*5231300 – Пенсия иши* таълим йўналиши бўйича таълим дастурининг тузилиши

| Т/р | Ўқув блоклари, фанлар ва фаолият турларининг номлари | Умумий юклама-нинг ҳажми, соат-ларда |
|---|---|---|
| **1.00** | **Гуманитар ва табиий-илмий фанлар** | **1662** |
| 1.01 | Ўзбекистон тарихи | 78 |
| 1.02 | Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. Фуқаролик жамияти | 78 |
| 1.03 | Фалсафа | 128 |
| 1.04 | Диншунослик | 64 |
| 1.05 | Ўзбек (рус) тили | 150 |
| 1.06 | Хорижий тил | 356 |
| 1.07 | Жисмоний тарбия ва спорт* | 128 |
| 1.08 | Иқтисодиётда ахборот комплекслари ва технологиялари | 172 |
| 1.09 | Иқтисодчилар учун математика | 348 |
| 1.10 | Эконометрика | 90 |
| 1.11 | *Танлов фанлари* | 70 |
| **2.00** | **Умумкасбий фанлар** | **2610** |
| 2.01 | Касбий психология | 100 |
| 2.01 | Иқтисодиёт назарияси | 328 |
| 2.02 | Микроиқтисодиёт. Макроиқтисодиёт | 268 |
| | Статистика | 236 |
| 2.03 | Менежмент. Маркетинг | 200 |
| 2.04 | Молиявий ва бошқарув ҳисоби | 236 |
| 2.05 | Молиявий таҳлил | 224 |
| 2.06 | Аудит | 236 |
| 2.07 | Соликлар ва соликка тортиш | 224 |
| 2.08 | Суғурта назарияси ва амалиёти | 224 |
| 2.09 | Бюджет ҳисоби | 126 |
| 2.10 | *Танлов фанлари* | 208 |
| **3.00** | **Ихтисослик фанлари** | **1868** |
| 3.01 | Пенсия иши | 638 |
| 3.02 | Давлат мақсадли ва бюджетдан ташқари жамғармалар | 196 |
| 3.03 | Пенсия ишининг дастурий таъминоти | 90 |
| 3.04 | Чет мамлакатлар пенсия тизими | 128 |
| 3.05 | Молия | 228 |
| 3.06 | Пул ва банклар | *228* |
| 3.07 | Инвестиция ва инновациялар | 166 |
| 3.08 | *Танлов фанлари* | 194 |
| **4.00** | **Қўшимча фанлар** | **340** |
| | Жами | **6480** |
| | Малакавий амалиёт | 1620 |
| | Битирув малакавий иши | 216 |
| | Аттестациялар | 972 |
| | Жами | **2808** |
| | Ҳаммаси | **9288** |

**Изох:**

1. Олий таълим муассасаси ихтисослик фанларининг дастурларини ишлаб чиқишда кадрлар буюртмачиларининг талабларини эътиборга олади.

2. Ҳарбий тайёргарлик машғулотлари қўшимча фанлар блокининг соатлари ҳисобига, ҳарбий йиғин эса таътил вақти ҳисобига ўтказилади. Ҳарбий тайёргарлик машғулотлари ўтказилмайдиган ҳолларда меҳнат бозори ва кадрлар буюртмачиларининг талабларига мослашувчанлиги ва ҳаракатчанлигини таъминлаш учун олий таълим муассасаси кенгашининг қарори билан фойдаланилади.

3. Ўқув режа асосида олий таълим муассасаси ҳар йили ишчи ўқув режасини тузади. Бунда олий таълим муассасасига талабалар юкламасининг ҳафталик ҳажмини сақлаган ҳолда ўқув фанлари блоки ҳажмини 5 фоизгача, блоклар таркибидаги фанлар ҳажмини 10 фоизгача ўзгартириш ҳамда аудитория юкламасининг умумий ҳажмини сақлаган ҳолда, айрим семестрларда ҳафталик юкламалар ҳажмини эркин белгилаш ҳуқуқи берилади.

4. Талаба билимини баҳолаш рейтинг тизимига мувофиқ ўқув жараёни давомида амалга оширилади.

5. Битирув малакавий ишини бажариш муддатлари таркибига уни ҳимоя қилиш ҳам киритилади.

6. Хорижий тил фанининг охирги семестрларида битирувчи курслар учун қўшимча фанлар блоки ва танлов фанлари соатлари ҳисобидан ҳар ҳафтада 2 соатдан "Амалий инглиз тили" фани ўқитилади.

7. *Жисмоний тарбия ва спорт фани таркибида "Валеология асослари" курсидан 10 соат ҳажмда маъруза, 8 соат ҳажмда амалий машғулот ўқитилиши кўзда тутилади.

8. Ўқув режага киритиладиган ихтисосликка оид фанларнинг амалий машғулотлари ва лаборатория ишлари олий таълим муассасаси ҳамда базавий ташкилот ва корхоналарда ўтказилади.

9. Назария ва амалиёт яхлитлигини таъминлаш учун талабаларнинг малакавий амалиётлари базавий ташкилот ва корхоналарда ўтказилади.

**"Пенсия иши" кафедраси мудири** Б. Маматов

**Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий турдош олий таълим муассасалари ҳамда кадрлар истеъмолчилари**

**ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:**

Тошкент молия институти

Ректор _____________ **Н.Х.Хайдаров**

201_ йил «_____» _____________

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижро этувчи директорининг ўринбосари _____________ **Ш.З.Давронов**

201_ йил «_____» _________

**КЕЛИШИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини Ривожлантириш маркази

Директор _____________**проф. Б.Ҳ.Раҳимов**

201_ йил «_____» _____________

Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки Раиси

_____________ **А.Н.Абдуллаев**

201_ йил «_____» ___________

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректори

_____________ **А.Р.Марахимов**

201_ йил «_____» ___________

– *Пенсия иши* бакалавриат таълим йўналиши учун янгидан яратиладиган малака талабларига киритиладиган кад
ьмолчиларининг таълим йўналиши битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблар
(касбий компетентлик талаблари)

| к (идора)нинг (корхона)лари чи кадр панаётган риат таълим налиши номи | Вазирлик (идора)нинг таълим йўналиши битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладига малака талаблари (касбий компетентлик талаблари) |
|---|---|
| 3 | 4 |
| Пенсия иши | Битирувчи қуйидаги касбий компетенция ва қобилиятларга эга бўлиши керак:<br>– давлат пенсия тизими соҳасидаги касбий билимларни амалда қўллаш;<br>– пенсия таъминоти тизимига доир ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар мазмуни ва моҳиятини билиш, пенс қонунчилигини чуқур ўзлаштириш;<br>– давлат пенсия тизими соҳасида қарорлар қабул қилишда иштирок этиш;<br>– фан ва техниканинг замонавий ривожланиши шароитларида пенсия тизими соҳасидаги янги билим эгаллаш;<br>– пенсия тизими соҳасидаги махсус дастурий воситаларни амалда қўллаш;<br>– ўз билими ва маҳоратларидан пенсия таъминоти тизими хизматларининг юқори сифатини та бошқаришда фойдаланиш;<br>– пенсия тизими фаолияти натижаларини тўғри баҳолай олиш;<br>– пенсия тизимининг асосий иқтисодий, ижтимоий, демографик кўрсаткичларини ҳисоб-китоб қили дастлабки маълумотларни тайёрлаш;<br>– бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бюджетини прогнозлаш мақсадида молиявий кўрсаткичлар усулларидан (математик моделлаштириш, эконометрик прогнозлаш усуллар) фойдаланиб, амалда қўллаш;<br>– пенсия тизими молиявий ресурсларининг ҳажми ва шаклланиш манбаларини аниқлаш бўйича ҳисо юритиш;<br>– бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бюджети лойиҳасини тузишда қатнашиш;<br>– фуқароларга пенсиялар, ижтимоий нафақалар, компенсация тўловлари ва бошқа тўловларни тай миқдорларини қайта ҳисоблаб чиқиш;<br>– пенсиялар ва ижтимоий нафақаларни тайинлаш ва қайта ҳисоблаб чиқиш учун зарур бўлган ҳужжа қилиш ва уларни қонун ҳужжатларига мувофиқ расмийлаштириш;<br>– пенсиялар ва ижтимоий нафақаларни тайинлаш учун юридик шахслар ва фуқаролар томонидан та |

| | |
|---|---|
| | ҳужжатларни белгиланган тартибда тайёрлаш, кўриб чиқиш ва текшириш;<br>– пенсиялар тайинлаш бўйича комиссиялар қарорлари асосида қонун ҳужжатларида белгиланг пенсияларни тайинлаш ва уларни қайта ҳисоблаб чиқиш;<br>– пенсиялар ва ижтимоий нафақалар тайинлаш учун ҳужжатларни расмийлаштиришнинг қонун ҳ белгиланган тартибига риоя этилишини назорат қилиш;<br>– корхона ва ташкилотларнинг пенсиялар, давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар олиш ҳуқуқи ҳужжатларнинг ишончлилигини текшириш;<br>– пенсиялар ва ижтимоий нафақаларни ҳисоблаб чиқиш бўйича операцияларни амалга ошириш ва у юзасидан топшириқларни расмийлаштириш;<br>– банклар томонидан пенсиялар ва ижтимоий нафақаларнинг ўз вақтида ва тўғри етказиб берилиши ҳам юзасидан мониторинг қилиш ва назоратни амалга ошириш;<br>– фуқароларга бола туғилганда бериладиган нафақалар ва дафн маросими нафақаларини ҳисоблаш;<br>– бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бюджетидан амалга ошириладиган тўловларга х молиялаштириш тартибларини билиш;<br>– пенсия таъминотининг ягона ахборот тизимидан самарали фойдаланиш;<br>– бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси тизимида "WS Personal" дастури; "SMS-pensiya" ахборот тиз жамғармасининг – pfru.uz – расмий веб-сайти; Пенсия жамғармаси тизимида ташкил этилган "Ишонч теле "PK Pensiya" дастурий мажмуида ишлаш кўникмаларига эга бўлиш;<br>– жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимида ишлаш;<br>– пенсия тизими соҳасига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда қатнашиш пенсия таъминоти масалалари бўйича замонавий назарий ишланмаларни ва хорижий тажрибани ўрганиш;<br>– пенсия тизими соҳасида иш сифати учун масъулиятни ҳис қилиш, ўз билими ва маҳоратидан сифатн бўйича фойдалана олиш;<br>– пенсия тизими соҳасига оид муаммоларни еча олиш;<br>– илмий манбаларга асосланган ҳолда пенсия тизимида инновацион ва фундаментал тадқиқотлар оли бошқалар. |

н Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари
амғармаси ижро этувчи директорининг ўринбосари Ш.З. Давр

молия институтининг
ари бўйича проректори И.Н.Қўзиев

**Тошкент молия институтининг *5231300 – Пенсия иши* бакалавриат таълим йўналиши бўйича малака талаб ва ўқув режани ишлаб чиқувчилар ҳамда кадрлар истеъмолчилари ўртасида**

## КЕЛИШУВ ДАЛОЛАТНОМАСИ

**Тошкент шаҳри** **“___” __________201__ й.**

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижро этувчи директорининг ўринбосари Ш.Давронов, Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки Раиси А.Абдуллаев ва Тошкент молия институтининг ўқув ишлари бўйича проректори И.Қўзиев, мазкур келишув далолатномасини қуйидагилар ҳақида туздик:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлар Дастури ижросини таъминлаш бўйича Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Дастури”нинг III қисми, 2018 йил 4 июндаги “2018-2019 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида”ги ПҚ-3769-сонли, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли Қарорларида ҳамда Вазирликнинг 2017 йил 6 майдаги 294-сонли, 30 майдаги 356-сонли, 19 июндаги 407-сонли буйруқлари ижросини таъминлаш мақсадида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш маркази Тошкент молия институти, турдош олий таълим муассасалари ҳамда тегишли соҳа ва тармоқлар бўйича кадрлар истеъмолчилари билан биргаликда ташкил қилинган ишчи-гуруҳлар томонидан “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори”га мувофиқ таълим йўналиши бўйича малака талаб ва ўқув режа ишлаб чиқилган.

2. *5231300 – Пенсия иши* бакалавриат таълим йўналиши бўйича малака талаб ва ўқув режани ишлаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини Ривожлантириш маркази, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ва Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки мутахассисларининг фикр-мулоҳазалари эътиборга олинган.

3. Асосий кадр истеъмолчи сифатида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси мутахассисларининг таклифлари *5231300 – Пенсия иши* бакалавриат таълим

**Тошкент молия институтида 230000-Иқтисод таълим соҳаси бўйича ишлаб чиқилган 5231300 – “Пенсия иши” бакалавриат таълим йўналиши ва 5А231301 – “Пенсия иши” магистратура мутахассислигининг малака талабларига**

## Т А Қ Р И З

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон Қарори билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлар Дастури ижросини таъминлаш бўйича Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Дастури”нинг III-қисми, 2017 йил 5 майдаги “2017/2018 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида”ги ПҚ-2955-сонли, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт сохалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-3151-сонли Қарорларида ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 6 майдаги 294-сонли, 30 майдаги 356-сонли, 19 июндаги 407-сонли буйруқлари ижросини таъминлаш мақсадида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш маркази Тошкент молия институти, турдош олий таълим муассасалари ҳамда тегишли соха ва тармоқлар бўйича кадр истеъмолчилари билан биргаликда ташкил қилинган ишчи-гуруҳлар томонидан “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори”га мувофиқ таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режалари ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил, 30-май 356-сонли “2017-2018 йил учун ўқув режа ва фан дастурларини тайёрлаш тўғрисида”ги буйруғи билан тасдиқланган жадвалга мувофиқ:

– Тошкент молия институти “Пенсия иши” кафедраси томонидан “Пенсия иши” бакалавриат таълим йўналиши ва магистратура мутахассислигининг малака талаблари ҳамда ўқув режалари халқаро тажрибалар ўрганилган холда ишлаб чиқилди;

– ишлаб чиқилган малака талаблари ва ўқув режалар турдош олий таълим муассасалари ҳамда асосий кадрлар истеъмолчилари бўлган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлдиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ва Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки мутахассислари томонидан муҳокамадан ўтказилиб, келишилди;

